Ушбу сонда:
2 БУЮК КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ
3 ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОН БЎЛСИН!
4 "Ишонч" танловига МАҚТОВЛАР ЗЎРИ СЕНГА, СИРДАРЁ АЁЛИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 7 декабр, сешанба №174 (821)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ ДАСТУРИ



Биз XXI аср бўсағасида - янги буюк ўзгаришлар, жамиятимизнинг янгиланиши ва қудратли тараққиёти бўсағасида турибмиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ислоҳотлардан асосий мақсад юртимизнинг янада ривожланиши, халқимизнинг фаровонлиги, жаҳон ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир.

Бу стратегик ва дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда биз мамлакатимизнинг ички ва ташқи аҳволини танқидий кўз билан чуқур таҳлил қилиб, ўз сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олишимиз зарур.

Бу устувор вазифалар нималардан иборат?

**Биринчи устувор вазифамиз** - иқтисодиётимизнинг изчил ўсиши ва самарадорлигини ошириш, демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш асосида халқ турмуш даражасининг барқарор ва узлуксиз яхшиланиб боришини таъминлаш зарур. Бу борада кам таъминланган, муҳтож оилалар ва одамларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу мақсадда яқин беш йил давомида:

- иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баробар ошириш. Шу билан бирга аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадни 1,8-2,0 баробар кўпайтириш;

- миллий пулимизнинг қадрсизланишига қарши қатъий чораларни кўриш ва шулар ҳисобидан одамларнинг реал (амалдаги) даромадини мунтазам ошириш;

- давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ҳақиқатда ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга эътиборни кучайтириш.

- бундай эзгу мақсадларни амалга оширишда ва ажратилган маблағларнинг самарасини оширишда маҳалла жамоатчилигига кенг миқёсда суяниш;

- ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш, шунингдек, ногирон болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2005 йилгача бўлган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ишсизлар ва ортиқча ишчи кучларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда банд қилиш мақсадида меҳнат бозорини шакллантириш, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида янги иш ўринларини яратиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бу ишга чет эл сармоялари ва ички имкониятларни кенг жалб этиш;

- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аввало қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш давлат дастурининг бажарилишини якунига етказиш, 2005 йилга қадар ичимлик сув билан таъминлаш миқдорини 85 фоизга, табиий газ билан эса 82 фоизга етказиш;

- соғлиқни сақлаш ва экологик хавфсизлик соҳаларида қабул қилинган дастурни ҳаётга жорий этиш масалаларини қаттиқ назоратга олиш.

Биз бу ўта муҳим ва улкан вазифаларни амалга ошириш учун авваламбор ислоҳотларимизнинг **иккинчи асосий устувор** йўналиши бўлмиш сиёсий ва иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини **эркинлаштириш** масаласига алоҳида эътибор қаратган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этишимиз мумкин.

**Сиёсий соҳани эркинлаштириш** борасида: авваламбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур.

Демократиянинг энг муҳим тамойили - одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш, инсон ҳуқуқлари ва матбуот эркинлигини ҳимоялаш лозим.

**Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш** масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар - ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш.

**Иқтисодий соҳани янада эркинлаштириш** мақсадида биринчи навбатда, давлат бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, кичик ва ўрта бизнес ривожланишига ҳар томонлама кўмак бериш, шу билан бирга, бозор инфратузилмасини кенг ривожлантириш лозим.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласини доимий диққат марказида тутиш, бу соҳада белгиланган ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини тўла миқёсда амалга оширишга эришиш, энг муҳими, ерни ҳақиқий эгасига топшириш ва меҳнаткаш деҳқоннинг ўз меҳнати самарасидан тўлақонли фойдаланиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш.

**Учинчи устувор йўналиш** - жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.

Ёшлар сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариш, ёш оилаларга ёрдам кўрсатиш, аёлларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини ошириш борасидаги ишларни давом эттириш лозим.

Шу мақсадда жамиятимизнинг маънавий-маърифий юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган ташкилот ва муассасаларда хизмат қилаётган инсонларни, аввало мактаб, лицей, коллежлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва домлаларини, илму фан соҳасида ишлаётган илмий ходимларни қўллаб-қувватлаш, уларга керакли моддий шароит туғдириб бериш кўзда тутилади.

**Тўртинчи устувор йўналиш** - кадрлар масаласи. Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммоларни ечиш заруриятти туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ. Ўсиб келаётган навқирон авлод, азиз фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг қувончимиз, таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз, деган шиорни амалда рўёбга чиқаришни таъминлашимиз даркор.

**Бешинчи устувор йўналиш** - бу иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашдир.

Мазкур ўзгаришлар корхоналарни янгилаш ва техник қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал-хомашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи даркор.

**Олтинчи устувор йўналиш** - жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли асосда шерикчилик қилиш, барча можаро ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш тарафдори эканини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биз янги аср бўсағасида, янги буюк ишлар олдида турибмиз. Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимизга қўяётган барча талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халқимизга тинч ва фаровон турмушни таъминлашдир, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб олишдир.

Мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ.

Шу олижаноб, мард ва меҳнаткаш, бағрикенг халқимизнинг бугуни ва ёруғ келажаги йўлида садоқат билан хизмат қилиш - ҳаётимнинг маъноси, умримнинг мазмунидир.

**(Дастурнинг тўлиқ матни Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон *XXI* асрга интилмоқда» рисоласида баён этилган)**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АБДУЛҲАФИЗ МАРАҲИМОВИЧ ЖАЛОЛОВНИНГ ДАСТУРИ



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг барча амалдаги қонунларига содиқлик, уларнинг изчил амалга оширилиши ва мамлакат фуқаролари ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг рўёбга чиқиши йўлида сидқидилдан хизмат қилиш.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда демократияни - кучли фуқаролик жамияти ва унга монанд давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви тизимини изчил қарор топтириш, шунингдек, Ватанимизнинг илғор жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасида муносиб ўрин эгаллаши манфаатларидан келиб чиқиб, қуйидагиларнинг бажарилишини, биринчи галдаги вазифалар сифатида, амалда таъминлаш:

**Сиёсий соҳада** - давлат ҳокимиятини халқнинг бевосита ва унинг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари тимсолида, билвосита назорати остида бўлиши;

- давлат ҳокимияти вакиллик идораларини, асосан, халқ томонидан, сиёсий партиялардан, сайлаб қўйиладиган депутатлар таркибидан иборат тарзда шакллантириш;

- сиёсий партиялар жамиятдаги мавқеининг, уларнинг намояндалари томонидан давлат ҳокимияти вакиллик идораларида, сайловлар натижасида, эгаллаган ўринларидан келиб чиқиб, фарқланиши;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини қонунийлик, партиявий масъулият, назорат ҳамда кафолат асосида қуриш;

- давлат ҳокимиятининг учта - қонунчилик-вакиллик, ижроия, суд тармоғи ва уларнинг марказий, минтақавий ҳамда маҳаллий идораларининг ўзларининг конституциявий ваколатларини мустақил амалга оширишлари;

- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идораларининг, ўзларининг қонунларда белгиланган ваколатларини бажаришдаги, чинакам, жумладан, молиявий-иқтисодий мустақиллиги;

- оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини янада кучайтириш, пировард натижада, уларнинг масъулиятини фақат қонунлар доираси билан чекланган бўлишлиги;

- энг оддий фуқаронинг овозини жамиятда баралла эшитилиши, унинг катта сиёсатга таъсир эта билиш имкониятларининг мавжудлиги;

- барча давлат идоралари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларга сўзсиз итоат этишнинг, бундан ҳеч ҳам бўйин товлай олмасликларининг жиддий (етакчи, идора этувчи ва муҳолиф сиёсий партиялар фаолиятини тақозо этувчи) мурувватларини яратиш;

- жамоат ташкилотлари барча кўриниш ва шаклларининг, халқ оммаси ташкилий уюшқоқлиги тимсоли сифатида, жамият ва давлатни бошқаришдаги фаол иштироки;

- кўзланаётган барча олижаноб мақсадларга эришишнинг қонуний-ҳуқуқий негизларини яратиш, уларни мунтазам такомиллаштириш ва ҳ.к.

**Иқтисодий соҳада** - иқтисодий эркинликнинг шахс, инсон ҳурлиги барча шакл-шамойилларининг дастлабки, туб, ҳал қилувчи асоси бўлишлиги;

- ҳар бир фуқаронинг мулк, унинг шаклидан қатъи назар, соҳиби бўлиш ҳуқуқини рўёбга чиқиш имкониятининг воқелиги;

- кўзланган ҳамма ижтимоий-фойдали ниятларга етишиш, вазифаларни уддалашда булардан ҳар бир кишининг шахсий манфаатдорлигининг ҳисобга олиниши;

- ишлаб чиқарувчиларнинг ўз фаолият тури, унинг натижасида етиштирилган маҳсулотни сотиш бўйича нарх-навони мустақил белгилаш ва ундан келган даромадни, фойдани, ўз хоҳишига кўра, тасарруф этиш эркинлиги;

- кичик ва ўрта бизнесни кенг миқёсларда ривож топтириш;

- товарлар ва капиталнинг мамлакат ичида эркин ҳаракат қилиши ҳамда ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги (амалдаги қонунларда кўзда тутилган чеклашлар бундан мустасно);

- иқтисодий ҳаётга оид ишончли ахборий хизмат тизимини жорий қилиш;

- солиқ сиёсатини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчи омилга айлантириш;

- давлат ҳокимияти, бошқаруви ва мансабдор шахсларнинг ишлаб чиқарувчилар хўжалик фаолиятига ғайриқонуний аралашувига йўл қўймаслик;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви барча даражалардаги идораларининг, бозор муносабатларини инсоний, ижтимоий йўналиш ўзанларида ривож топиши заминларини яратишдаги аҳамиятини ошириш чораларини кўриш;

- бозор муносабатларининг иқтисодий демократия сифатидаги ривожланишига қаратилган қонунларни қабул қилиш, уларни муттасил ривожлантириб бориш ва ҳ.к.

**Ижтимоий соҳада** - адолатни қарор топтириш чораларини изчил рўёбга чиқариш;

- аҳолининг иш билан оқилона бандлиги ҳолатига эришиш;

- ишсизликни барҳам топтириш;

- меҳнатнинг инсон шахсини рўёбга чиқариш, унинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришдаги ҳал қилувчилик аҳамиятини ошириш;

- аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқ муҳофаза этиш, жумладан уларнинг пулнинг қадрсизланиши оқибатида даромадларининг пасайишини, энг кам иш ҳақи ва меҳнат пенсиялари ҳажмларини тегишли даражада индексациялаш орқали, оқилона қоплаш;

- жамиятда болалар, ёшлар, хотин-қизлар мавқеини жиддий кўтаришнинг амалий чора-тадбирларини кўриш;

- тиббий ёрдамнинг барча учун мақбул шаклларини вужудга келтириш;

- жамиятда ижтимоий муҳофаза тадбирларини амалга оширишда фаол иштирок этувчи жисмоний ва юридик шахсларни рағбатлантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий шароит ҳамда заминларини яратиш;

- порахўрлик, тўрачилик, таъмагирлик каби барча салбий иллатларнинг пайини қирқиш;

- мулкдорлар синфи, ўрта синфнинг фаол шаклланиши муҳитини вужудга келтириш;

- юқоридагиларнинг ҳаммасини жамиятдаги ижтимоий ва миллатлараро бирдамликни мустаҳкамлашнинг жиддий омилларига айлантириш;

- ижтимоий муносабатларни инсоний негизларда ривожланишининг қонуний-ҳуқуқий пойдеворини муттасил яратиш ҳамда ривожлантириб бориш ва ҳ.к.

**Маънавий соҳада** - жамиятни, миллий яхлитлик ва халқнинг ижтимоий муштараклигини инсон шахси баркамоллигига эришишнинг макони, воситасига айлантириш;

- жамиятда миллий, шарқона ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига ҳамда уларга риоя қилинишига эришиш;

- ислом дини ва бошқа динларнинг тарбиявий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланилишига йўл қўймаслик;

- тарихга, миллий-маданий, маънавий меросга ҳурмат руҳини қарор топтириш;

- илм-фан, таълим ва маърифатнинг, шунингдек, мазкур соҳаларда меҳнат қилувчи олим, мураббий ва тарғиботчиларнинг ижтимоий мавқеини беқиёс кўтариш;

- барча фуқароларни умумжаҳон, шарқ халқлари ва миллий маданият дурдоналари, ютуқларидан баҳраманд қилиш имкониятларини муҳайё этиш;

- маънавият, ақл-заковат ва билимлиликнинг ҳамма соҳаларда раҳнамо бўлишлиги ҳамда ҳар бир кишининг бундай фазилатлар соҳиби эканликдан шахсан манфаатдорлик муҳитини вужудга келтириш ва ҳ.к.

**Ташқи сиёсат ва миллий хавфсизлик ҳамда мудофаа соҳасида** - Ўзбекистоннинг барча узоқ ва яқин, хусусан, Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан миллий манфаатларимизга мос, ўзаро фойдали ҳамкорлигини янада ривожлантириш;

- минтақа ва жаҳонда тинчлик ҳамда барқарорлик учун зарур саъй-ҳаракатларни доимий равишда амалга ошириш;

- мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва халқнинг осойишталигини асраб-авайлашга, уларга зиён етказишга йўл қўймайдиган даражадаги, махсус тайёргарлик ҳамда замонавий ҳарбий техника, аслаҳага эга Қуролли Кучлар, миллий хавфсизлик ва ички хизмат тизимларининг узлуксиз шайлиги ва ҳакозо.

* * *

Юқоридагилар, уларнинг амалий ижроси, асосан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, бутун халқининг фаровонлигига, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига, унинг азалий шон-шуҳратининг қайта тикланишига ва Ўзбекистоннинг буюк келажагини яқинлаштиришга хизмат қилади, деб ишонамиз.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 декабр куни Оқсарой қароргоҳида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жозеф Преселни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари ривожланиб бораётганидан мамнуният билдирди.

- Биз АҚШни Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган йирик давлат, деб биламиз. У мамлакатимиз иқтисодиётига катта сармоя киритмоқда, - деди Ислом Каримов. - АҚШдаги кўплаб етакчи компаниялар билан қўшма корхоналар тузилган. Улар мамлакатимиз иқтисодиёти равнақига самарали ҳисса қўшмоқда.

Президентимиз, айниқса, АҚШнинг «Кейс» корпорацияси билан яқин, мустаҳкам алоқалар ўрнатилганини таъкидлади ва ҳозирданоқ самара бераётган бу шерикликнинг истиқболи порлоқ бўлишига ишонч билдирди.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистоннинг АҚШ билан алоқалари изчил ривожланиб боряпти. Бу алоқалар сиёсат, иқтисодиёт, маданият, илм-фандан то ҳарбий соҳагача бўлган кенг қамровли ҳамкорликни ўз ичига олади. Мамлакатларимиз ўртасида тузилган икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия шериклик муносабатларини мувофиқлаштириб турибди. Бу эса янги-янги лойиҳалар тузилишига замин яратмоқда.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси ҳукумати Раиси В.Путин 1999 йил 9-10 декабр кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида йирик воқеа бўлди. Сайлов жараёни кўп сонли хорижий ва маҳаллий экспертлар томонидан кузатиб борилди.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) сайловларни кузатиш бўйича миссияси раҳбари Мадлен Вилкенс Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси раиси Н.Комилов билан учрашди.

Учрашувда мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга сайловлар қизғин, уюшқоқлик ва демократик тамойиллар асосида ўтгани таъкидланди. Буни шу жараёнда иштирок этган кўплаб халқаро кузатувчилар ҳам эътироф этмоқда.

Дастлабки маълумотларга қараганда, сайловда сайловчиларнинг 96 фоизи иштирок этган. Ғайриқонуний ҳодисалар кузатилмади. 60 та сайлов округида қайтадан, яъни иккинчи тур сайловлари ўтказилади. Бу ҳам улкан сиёсий тадбирнинг нечоғли қизғин ўтганидан далолат беради.

Учрашувда ЕХҲТ миссияси аъзолари бўлиб ўтган сайловлар борасида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

**(ЎзА)**

## МУТЛАҚО ЯНГИЧА САЙЛОВЛАР

1999 йилнинг 5 декабр куни халқимиз ҳаётида муҳим сана бўлиб қолди. Шу куни республикамизнинг ҳар бир фуқароси сайлов участкасига келиб, депутатликка энг муносиб номзод деб ҳисоблаган одам учун овоз берди.

Журналистлар чет эллик кузатувчиларнинг Ўзбекистондаги бу йилги сайловлар ҳақидаги фикрини билишга қизиқишди. Исроиллик кузатувчи, Исроил саноат тараққиёт банки директорлари кенгашининг вакили, Исроил-Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг раиси жаноб Шломо Борохов шу куни бир неча сайлов участкасида бўлди. У қувонч билан қайд этдики, бу йилги сайловлар 27 йил аввал ўзи Самарқандда яшаган пайтда кўрган сайловлардан тубдан фарқ қилади.

- Шуни қайд этишим керакки, - деди у, - бундан чорак аср илгари мен ҳам сайловларда қатнашганман. Маълумки, унда биттагина партия ҳукмрон эди. Эсимда бор, унда халқни сайловларга қизиқтириш учун сайлов участкаларида тақчил товарлар сотилар эди.

Сўнгги йиллар давомида мен Ўзбекистонга кўп келаяпман. Мен шу ерда катта бўлганман. Бу ерда яҳудийлар ўзбек халқи билан ҳамжиҳатликда тинч-тотув яшаган. Ҳозир Ўзбекистон собиқ Иттифоқ ҳудудида иқтисодий ислоҳотлар тўғри олиб борилаётган саноқли мамлакатлардан биридир. Корхоналарни хусусийлаштиришдан олинаётган маблағ технологик салоҳиятни оширишга, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда. Бу ерда хомашё захираси кўп. Шунингдек, Ўзбекистон раҳбарияти мамлакат аҳлининг қисқа вақт ичида эскича иқтисодиётдан янги, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини самарали бошқармоқда.

Мен кузатувчидан сайлов участкаларида нималарнинг гувоҳи бўлганлигини сўрадим.

- Ҳозирги сайловлар ниҳоятда ўзгача, одамларнинг сиёсий фаоллиги анча ошган. Сайлов ҳақидаги қонунларингиз билан танишиб чиқдим. Улар демократик тамойилларга асосланган. Шунга ишонч ҳосил қилдимки, ушбу қонунларга барча риоя қилмоқда. Масалан, Исроилда ҳали овоз бермаган сайловчиларни айрим партиялар вакиллари сайлов участкасига олиб келиш учун ҳатто машина ҳам юборишади. Бу ерда эса одамлар ўз хоҳиши билан келмоқда. Олдинги сайловлар билан солиштирадиган бўлсам, мен бу гал Ўзбекистонда ниҳоятда осойишта, демократик сайловларнинг гувоҳи бўлдим. Мен ўзим танишиб чиққан округ сайлов комиссиялари вакилларининг маълумотига кўра, соат ўн бирга келиб, аҳолининг 70 фоизи овоз бериб бўлди. Янгиобод даҳасида эса айрим участкаларда соат ўн иккигача аҳолининг 80-90 фоизи овоз бериб бўлган эди.

**Азиза ТЎЙЧИБОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОН БЎЛСИН!

## УНУТИЛМАС КУН

### репортаж

***5 декабр — бу кунни юртимизда истиқомат қилаётган етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар бир фуқаро интизорлик билан кутганлиги сир эмас. Янги аср ҳам эшик қоқиб келаяпти. Уни қандай қарши олишимиз, келгусидаги ҳаётимизнинг қандай бўлиши, тамал тоши салоҳияти кўп жиҳатдан биз ишонч билдириб, овоз бераётган номзодларга боғлиқ эканлигини халқимиз яхши англаб етганди.***

Республика Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 667-сайлов участкаси пойтахтимиздаги энг катта илм масканларидан бири — 172-ўрта мактабда жойлашган. Сайловолди тайёргарлик ишлари бу ерда кўнгилдагидек олиб борилди, депутатликка номзодлар учун ҳам, сайловчилар учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилди. Яна бир жиҳати, мазкур участкада тарғибот ишларини ўз зиммасига олганларнинг асосий қисми касаба уюшма аъзолари ва ўқитувчилар эди.

Сайлов участкаси байрамона тус олган. Овоз бериш учун келаётганларнинг кети узилмайди. Бу жараённи кузатган одам бўлса, бундан ўн йил аввалги сайлов билан ҳозиргиси ўртасида катта фарқ борлигини англаб олади. Мустақиллик шарофати туфайли одамлар бу жараёнга онгли равишда ёндошиб, зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этдилар.

— Эллик саккиз йилдан буён шу ерда яшайман, ёшим 84 да, - дейди биз билан мулоқотда Яккасарой туманилик фуқаро Анна Павлова. - Юртимиз мустақил бўлгандан кейин сайловчининг катта ҳуқуқлари, масъулияти борлигини ҳис этаяпман. Пухта тайёргарлик ила, тенглик асосида ўтаётган сайловда менинг ҳам танлаган номзодим бор. Негаки, номзодлар дастури билан танишиш ниятида учрашувларда иштирок этдим. Ишонаманки, овоз бераётган номзодим депутат бўлиш бахтига мушарраф бўлса, халқимизнинг келажаги йўлида фидойилик кўрсатади.

667-сайлов участкасидан бу йил икки минг нафардан ортиқ сайловчилар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг ўн фоизига яқини илк бор овоз беришди.

Фуқаролик жамияти қуриш йўлида дадил қадам ташлаётганимиз сайлов жараёнида, сайловчиларнинг ўзаро фикр-мулоҳазаларида ҳам яққол сезилди. Биринчи бор овоз бериш учун ошиқаётган ёшлардан тортиб, нуроний отахону онахонлар қалбида битта ният — юртимизга тинчлик-хотиржамлик берсин, мустақил Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнасин!

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.**



## ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН УЧУН ОВОЗ БЕРДИМ

Биз 5 декабр тонгини Андижон шаҳридаги 29-сайлов участкасида кутиб олдик. Бу ерда сайловчилар рўйхатига Мирпўстин, Дўстлик маҳаллалари 2000 га яқин аҳолисининг номи ёзилган. Сайловни бошлаш учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган. Участка комиссияси жойлашган 31-ўрта мактаб биносининг кенг ва озода файесида сайловчилар кутиб олинди.

Соат миллари ҳали 6 га етгани йўқ. Лекин участка гавжумлашиб боряпти. Сайловчилар ўртасида ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг аксарият қисми биринчи марта овоз берадилар. Участка сайлов комиссиясининг раиси А.Отабоев сайловчилар олдида сайловнинг бошланганини эълон қилди. Биринчи бўлиб сайлов қутиси ёнига шу мактабнинг ёш ўқитувчиси Турғунбой Бўстоналиев келади. У ўз хоҳиш-иродаси баён этилган бюллетенларни қутига ташлар экан шундай дейди:

— Президентимизнинг бир гапи доим ёдимда. «Депутат бўлишни истаган одам аввало ҳалол, поклиги, маънавий етуклиги, теран билими, қобилияти, эл-юрт манфаатини шахсий манфаатларидан устун қўйиши каби хусусиятлари билангина сайловчиларнинг ишончига сазовор бўлиши мумкин» деган эдилар. Мен номзодларга нисбатан Юртбошимизнинг ана шу таърифи нуқтаи назаридан талаб қўйиб, яхшилар ичидан энг яхшисига овоз бердим.

87 ёшли сайловчи Ҳамиджон ота Раҳматов овоз бериб бўлиб, бундай деди:

— Олий Мажлис депутатлигига 4 кишининг, вилоят кенгаши депутатлигига 3 кишининг, шаҳар Кенгашига эса 2 кишининг номзоди кўрсатилган. Ҳаммалари ҳам муносиб кишилар. Лекин мен ўз хоҳишим билан ҳар бир бюллетендаги биргина номзод учун овоз бердим. Уларнинг келажагимизни янада фаровон қилиш учун астойдил меҳнат қилишларига ишонаман.

Участкада сайлов уюшқоқлик билан ўтди. Андижон шаҳридаги бошқа сайлов участкаларида ҳам сайловларда халқнинг якдиллиги, фаоллиги, муҳим сиёсий тадбирга онгли муносабати яққол сезилиб турди.

**М.АБДУКАРИМОВ, Ш.НЕЪМАТОВ.**

*Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказининг «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг 2-сони нашрдан чиқди.*

## САЙЛОВЛАР - ДЕМОКРАТИЯНИНГ ҚАЛБИ

Мустақил Ўзбекистон ҳозирги кунда бунёд этаётган демократиянинг муҳташам биноси кўз ўнгимизда қад ростламоқда, унинг эгаси албатта ўз фарзандларимиздир.

Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги ҳозирги кунда шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда, унинг такомиллашиши учун етакчи демократик мамлакатларнинг тажрибасидан энг яхши томонлар олинмоқда ва улар халқаро мезонларга қиёсланмоқда.

Бугунги кунда республикамизнинг сайлов қонунчилиги қандай амал қиляпти, уни жорий этиш эркин ва адолатли сайловларнинг жаҳон мезонларига қанчалик мос келяпти, сайлов кампаниясида жараёнларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш ҳуқуқий асослари ва йўллари қандай?

Бу масалаларнинг барчаси бугунги кунда Ўзбекистоннинг юқори ҳокимият органларига бўлаётган сайлов жараёнида айниқса долзарбдир. «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг 2-сони Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Президенти сайловларига бағишланган. Сиз журнал саҳифаларида сайлов қонунчилиги ва сайлов жараёнига тааллуқли масалалар ҳамда бошқа саволларга жавоб топишингиз мумкин.

Журналхон БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мезонлари билан танишиш имконига эга бўлади. Бу мезонлар сайловларга тааллуқли бўлиб, БМТ асосий ҳужжатларидаги, хусусан, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» ва бошқа ҳужжатлардан танлаб олинган қоидалар билан бирга берилган. Бундан ташқари, ЕХҲТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайловлар боришини назорат этиши, шунингдек, сайловлар ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги қоидалари билан танишасиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халиловнинг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш» мавзуидаги мақоласида сайловлар ҳақидаги қонунчиликнинг халқаро мезонларга янада мувофиқлашиши ва Ўзбекистон Республикасида том маънодаги демократик сайловлар ўтказишга эришиш борасида Олий Мажлисда олиб борилган кенг кўламдаги ишлар ҳақида сўз боради.

Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги хусусидаги тўлиқ шарҳни россиялик ҳуқуқшунос олимлар И.Евланов ва В.Лысенконинг «Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи» мақоласида ўқийсиз.

Юридик фанлари доктори А.Якубовнинг мақоласи Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги учун ҳуқуқий жавобгарликнинг меъёрлари баёнига бағишланган.

**(ЎзА)**

## ФАОЛЛИК НАМУНАСИ

Ш.Рашидов тумани марказидаги У.Юсупов номли мактаб биносида жойлашган 143-сайлов участкасидамиз. Эрта тонгданоқ бу ерга сайловчилар муносиб номзодлар учун овоз бериш мақсадида тўп-тўп бўлиб кела бошладилар.

Соат миллари 6⁰⁰ ни кўрсатганида участка сайлов комиссияси раиси Абдураҳмон Шукуров тантанали митингни очиб, дастлабки сўзни уруш ва меҳнат фахрийси Самад бобо Раҳмонқуловга беради.

— Фидокор, билимдон кишилар учун овоз берамиз, — деди пировардида Самад бобо. Шундан сўнг фахрийлар Товбой бобо Сатторов, Давлатбек Шилдибоевлар сўзга чиқишиб, митингда ҳозир бўлганларни самимий қутлаб, энг муносиб номзодлар учун овоз беришга чақирдилар.

Сайловчиларга учтадан бюллетен берилиб, уларга республика Олий Мажлиси, вилоят ва туман Кенгашлари депутатлигига номзодлар учун овоз бериш имконияти яратилди.

Участка сайлов комиссияси рўйхатга олинган 2385 нафар сайловчидан 44 нафари биринчи бор овоз беришда қатнашдилар.

Вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 14-Пахтаобод, туман Кенгашига сайлов ўтказувчи 1-Гумбаз, 2-А.Икромов, 3-А.Навоий сайлов округлари бўйича сайловчилар, айниқса, сиёсий фаолликларини намойиш қилдилар.

**А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.**

## КУЗАТУВЧИ ЭЪТИРОФИ

5-декабр мамлакатимиз тарихида зарҳал ҳарфлар билан битилишига шубҳа йўқ. Чунки, жаҳон андозаларига мос равишда демократик тамойиллар асосида Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди. Бунинг аҳамияти шундаки, муқобиллик тарзда номзодларни танлаш эркинлигини амалда ҳис қилган сайловчилар бу қадар халқчил сайловлар шоҳиди бўлмаганликларини эътироф этишмоқда. Яқин ўтмишга назар ташласак, номзодлар аввалдан белгиланиб, истасак-истамасак-да, сайланаверар эди. Халқимизнинг бахти шундаки, истиқлол туфайли мамлакат сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Биз Шайхонтоҳур туманидаги Олий Мажлис ва шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 20-округнинг 494-сайлов участкасида бўлганимизда, бунга яна бир карра амин бўлдик. Участка комиссияси раиси Умид Абдуллаевнинг айтишича, бу ҳудудда 841 нафар сайловчи бўлиб, шулардан 16 нафари илк бор овоз беришда қатнашдилар. Оилавий шароитга кўра 10 киши уйида овоз берди.

Шуни айтиш керакки, ушбу сайлов участкасида Олий Мажлисга бир мандат учун 6 нафар номзод, шаҳар Кенгашига 5 нафар номзод кураш олиб борди. Бунгача сайловолди учрашувлари ташкил қилинган. Халққа кимнинг дастури ёққан бўлса, ўшалар ишончга сазовор бўлдилар.

... Унутилмас онлар. Сайлов қутисига 73 ёшли отахон Аҳмад Абдураҳимов яқинлашмоқда. Овоз бериб бўлгач, у кишини суҳбатга тортдик.

— Худога минг қатла шукрки, шундай файзиёб кунларга етдик. Ўтмишни ўйласам, кўзга ёш келади. Хўрлигинг келади. Тўғрисини айтсам, шўролар даври ёлғонларга бурканган, миллатимиз шаъни, қадр-қиммати ерга урилган замон эди.

Авваллари демократия деганда юқоридан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлашни тушунардик. Энди эса ўзлигимизни англадик. Шу боис, ўзим зўрға юрсам-да, сайлов участкасига эзгу ниятлар билан келдим.

Кўзимиз онахонга тушди. У киши ўзларини Дилором Абдураҳмонова деб таништирдилар.

— Сайловларда кўп бор қатнашганман, болажоним. Лекин бунақасини энди кўраяпман. Бундай кунларга етказган Аллоҳга минг карра шукроналар айтамиз. Бахтимизга меҳрибон Президентимиз омон бўлсин.

Сайлов участкаси котиби Светлана Калафатованинг фикрича, соат 11гача сайловчиларнинг 61 фоизи овоз берди. Демак, фуқароларимиз фаоллиги ўсган.

Бизни қувонтирган яна бир ҳолат ҳақида гапиришни истардик. Овоз бериш учун бу ерда барча шарт-шароитлар рисоладагидек ташкил қилинганди. Назоратчилар, матбуот ходимлари сайлов қонунларига риоя қилинаётганлигини кўришиб, демократик тамойиллар чуқур илдиз отаётганлигига тан беришди. Масалан, 55-оилавий поликлиника ҳамшираси Наргиза Хўжаева ўзига маъқул бўлган номзодга овоз берганлигини таъкидлади. Шунингдек, Ўзбекистондаги исроиллик саноат ривожланиш банкининг президенти — кузатувчи Борохо Шлёме сайловлар жараёнидан қониқиш ҳосил қилганлигини билдирди.

**Муродулла ҒАФУРОВ.**

*8-декабр - Ўзбекистон Конституцияси куни*

## БАХТИ БАРКАМОЛ ЁШЛАР

***Ҳар гал Конституция ҳақида гап кетса, кўнглимдан бир савол ўтади: эришаётган ютуқларимиз, ҳаётимиздаги жами ўзгаришлар конституция шарофатидан эканини ҳамма ҳам бирдек англаб етаётганмикан? Қабул қилинаётган барча қонунлар асоси конституциямиз эканлигини тушунаётганмикан?...***

Турган гапки, бир умр эски тузумда кун кечириб, манфур сиёсатнинг ширин алдовларига учиб, кейин бирдан истиқлол ғоялари билан яшаб кетиш қийин. Онгни, тафаккурни ўзгартирмай туриб, муҳитни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Шу сабабли истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз аввало халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш ғоясини ўртага ташлади. Миллий ўзига хослик қадимий тажриба, анъаналар инобатга олинмаган аввалги ўн бир йиллик таълим тизими яроқсизлиги учун ҳаёт талабига жавоб беролмади. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» яратилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Қомусимизда **«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади»** деган сатрлар битилган. Конституциямизда кафолатланган бу ҳуқуқлардан амалда кенг фойдаланилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, шўролар тузумида ҳам конституция бор эди. Унда ҳам таълим-тарбия тўғрисида гаплар бўлган. Бироқ унга кўп ҳам амал қилинавермасди, ундаги ҳақ-ҳуқуқлар қуруқ гап-сўз бўлиб қолаверарди. Яъни, ўша даврдаги таълим-тарбия ёшлар онгига қуруқ хабар беришдан иборат бўлиб, ўқувчиларнинг мустақил фикр-мушоҳада юритишига эътибор қилинмасди. Халқаро андозаларга мос, замонавий синфхоналар тўғрисидаги гаплар-ку, кўпроқ қоғозларда бўлар эди.

Мустақил республикамиз Конституциясининг ҳаётбахшлиги шундаки, истиқлол йилларида янги тафаккурга эга, ҳур фикрли ёшларни вояга етказиш ва тарбиялашга астойдил бел боғланди. Президентимизнинг ҳаёт курашлардан иборат эканини айта туриб, келаётган XXI асрда кўп нарсани ақлий салоҳият ҳал этишини, шунинг учун ҳам Ўзбекистон раҳбарияти таълим-тарбия соҳасига қанча лозим бўлса, шунча маблағ сарфлашини қайд этгани ҳам фикримиз исботидир.

Мисолларга мурожаат этсак. Қисқа муддат ичида кўплаб академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари очилди. 1999 ва 2000 йилда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳари замонавий талабларга жавоб берадиган янги турдаги ўқув юртлари билан таъминланиши учун 180 та янги касб-ҳунар коллежи ва 15 та академик лицей қуриб фойдаланишга топширилиши лозим. 2005 йилга қадар, Республикамизда 1611 та касб-ҳунар коллежи ва 181 та академик лицейдан иборат бўлган ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртларининг замонавий тармоқлари бунёд этилиши керак. (Илгари умумтаълим мактабларининг 9 синфини тугатган минглаб ўсмирлар иш тополмай, ишга жойлаша олмай овора бўлиб юришган бўлса, янги дастурга асосан 9 синфдан кейин ихтисослашган таълимни жорий этиш ёшларга бирор касбни ўрганиш имконини беради, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этади). Зеро, Ўзбекистон раҳбариятининг бугунги кунда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракати тез орада самарасини кўрсатиши аниқ. Бунга ўз вақтида таълим тарбия соҳасига катта эътибор бергани боис, айни пайтда жаҳоннинг энг илғор давлатларига айланган мамлакатлар тажрибасини мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳозирча эса бундай ривожланган мамлакатларда Ўзбекистон халқининг умиди бўлган юзлаб ёшлар таҳсил олмоқда. Мисол учун, биргина 1999 йилда мамлакатимиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлардан 184 нафари жаҳоннинг АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Италия ва Канада каби ривожланган давлатларида ўқишни давом эттириш учун «Умид» жамғармаси грантларини қўлга киритди.

Шу ўринда қийин вазиятда ҳам таълим тизимига катта эътибор қаратган Японияни мисол қилиб келтириб ўтиш ўринли бўлади. Айтишларича, иккинчи жаҳон урушидан мағлуб бўлиб чиққан Япониянинг бўлажак императори ўша вақтларда ўз кундалигига «биз урушда енгилдик, энди фақат ўқиш керак», деган сўзларни ёзиб қўйган экан. Ҳақиқатан ҳам бу кунчиқар мамлакатда кейинчалик «япон мўъжизаси» деб ном олган мисли кўрилмаган ютуқларнинг бош унсури бўлган маорифга эътибор қаратилиб хато қилинмаганини вақт кўрсатди. Орадан эллик йил ўтар-ўтмас, Япония жаҳоннинг энг илғор давлатларидан бири бўлади, дейилганда ўша вақтларда балки кимдир ишонмаган ҳам бўлардир, бироқ бугун буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Мавриди келганда айтиш керакки, «японлардай яшаш учун улардай ишлаш ҳам керак» деган ибора юради. Айни пайтда тинмай ўқиб изланаётган Ўзбекистон ёшлари ҳақида ҳам вақти келиб шундай ибора пайдо бўлса ажаб эмас.

Олий мактаб фанлари Халқаро академияси фахрий Академиги дипломини топшириш маросимида давлатимиз раҳбарининг «ўрта мактабни тугатиш» ибораси хусусида айтган гаплари эътиборлидир. Онгимизга анчайин сингишиб қолган бу ғализ жумлалар балки собиқ шўролар даврида бўлганидек, «мактабни тугатдими, тугатди» қабилидаги енгил-елпи дарс ўтиш жараёнига мос тушар, лекин бу иборанинг мустақиллик замонида таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ўзгаришларга бегоналиги яққол билиниб қолди. Бундан буён мактабни шунчаки «тугатиш» эмас, балки тўғри маънода билим олиш, ўқиб ўрганмоқ керак, албатта. Зеро, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясида сўзлаган «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» деб номланган маърузаларида белгилаб берилган олти устувор йўналишнинг бири жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат, дейилгани ҳам бугунги ёшлар зиммасига катта масъулият юкланганини англатади.

Нафсиламбрини айтганда ҳам, академик лицей ва касб-ҳунар коллежини, институт ёки университетни шунчаки тугатиш эмас, балки у ердан билимли, салоҳиятли мутахассис бўлиб чиқиш даври келди. Албатта, истиқлол қўлга киритилгандан буён амалга оширилган ислоҳотлар ҳозирда ўз самарасини бераётир. Мамлакатимиздаги қатор олий ўқув юртларининг замонавий техник қуроллар билан жиҳозланаётгани, ўқиш-ўқитиш тизими жаҳон миқёсида қабул қилинган андозаларга ўтаётгани натижасида университетларимизда билим олаётган ёшларимизнинг тафаккури бугунги кунда унча-мунча одамни шошириб қўяётгани ҳам бор гап. Шўролар тузумидаги каби «яшасин»га ўхшаш қизил сўзлар билан бирон нарсага эришиш қийинлигини, эришилган дастлабки ютуқлар билан ҳаволанмасдан ўз билим ва имкониятлари даражасида олдинга интилиш лозимлигини англаб етган онгли, салоҳиятли ёшлар юртимизнинг эртаси яна ҳам порлоқ бўлишининг кафолатидир. Албатта, замонавий билимга, миллий мафкура ва истиқлол дунёқарашига эга бўлган ёшларгина келажагимизни белгилайди. Шу сабаб, билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш давлатимизнинг бош вазифаларидандир. Буни амалга ошириш учун мамлакатимизда олиб борилаётган барча ишлар асосан, инсон манфаатини кўзлаб, маданий ва маънавий, ақлий лаёқатини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш ва ҳуқуқини ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган. Зеро, Қомусимизда ҳам ***«Давлат фуқароларнинг конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди»*** дейилган.

Таълим-тарбия ёки мафкуравий ишлар тўғри йўлга қўйилмаган жойда бўшлиқ пайдо бўлиши, бу бўшлиқни эса вақт ўтар-ўтмас албатта, ёт таълимот эгаллаши аниқ. Натижада жамиятда олиб борилаётган эзгу интилишларга тескари хатти-ҳаракатлар юз кўрсатиб қолади. 16 феврал куни Тошкентда рўй берган қўпорувчилик ишларини ҳам шунга менгзаш мумкин. Давлатимиз раҳбари айтганларидек, ачинарлиси мазкур террорчилик ҳаракати ижрочиларининг барчаси маҳаллий ёшлардан иборат эканидир. Бу эса таълим-тарбия жабҳасида олиб борилаётган ишларнинг қайсидир нуқтасида бироз эътиборсизликка йўл қўйилганидан далолат беради. Қолаверса, бу воқеа сўнгги етти-саккиз йил мобайнида эришилган ютуқларга, юртимиздаги барқарор тинчликка маҳлиё бўлмасдан ҳамиша сергак бўлишимиз кераклигини кўрсатди. Чунки қўлга киритилаётган ютуқлар ўзимизники, буни дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда. Энди эса содир бўлган мудҳиш ҳодиса бошқа такрорланмаслиги учун йўл қўйилган хатолар қайси босқичда юз берганини таҳлил қилмоқ лозим бўлади.

Мавриди келганда айтиш керак, соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг «чин дўст улдирки, дўстидан ҳеч қачон ранжимайди, агар ранжиса ҳам узрини қабул қилади» деган сўзлари аслида халқимиз феъл-атворидан келиб чиқиб айтилганга ўхшайди. Унинг жонига суиқасд қилинганига қарамай, Президентимизнинг бағрикенглик қилиб, нотўғри оқимларга билиб-билмай аралашиб қолганларни ўз айбига иқрор бўлиб кечирим сўраса, улар сўзсиз авф этилишини айтганлари мана шу сўзларнинг исботи эмасми?

Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг мамлакатдаги барча ёшлар менинг болаларим, уларни қандайдир ёвуз кучларга бериб қўймаймиз, ёшларни ўзимиз тарбиялаймиз, деган сўзлари Ўзбекистон раҳбариятининг ёшларга таълим-тарбия бериш борасида олиб бораётган эзгу ишлари шунчаки гап эмаслигини кўрсатади. Юрт отасининг мазкур баёноти Ўзбекистон ёшларига ишонч, ғурур ва масъулият юклайди. Бугун тамал тоши қўйилаётган эзгу ҳаракатларнинг барчаси айнан мана шу ёшларнинг келажаги учун йўналтирилгандир. Зеро, конституция асосида яратилган халқимизга хизмат қилувчи, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи қатор қонунлар жумласига кирувчи таълим тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ёшлар тарбияси ва билимига, малакали ҳамда салоҳиятли етук кадрлар тайёрлашга мустақиллик натижаси деб эмас, балки мустақиллигимиз истиқболи деб қараш имконини беради.

**Беҳзод НОРБОЕВ.**

*"Ишонч" танловига*

**Ўзбек халқининг ардоқли шоири Абдулла Орипов юрт ҳақидаги шеърларидан бирида Ватан бу — онам, ёрим, синглим дея эътироф этган эди. Чиндан ҳам гўдак дунёга келиб кўз очган заҳотиёқ биринчи бўлиб ўз онасини кўради. Онанинг кўзларида Ватан тимсолини кўради, унинг иссиқ бағрида юрт тафтини, оқ сутида киндик қони томган муқаддас маскан таъмини туяди. Шунинг учун ҳам «Она» ва «Ватан» сўзлари эгизакдир. Шундан бу икки муқаддас сўзни ёнма-ён ишлатамиз. Зеро, Ватан онадан бошланади.**

# МАҚТОВЛАР ЗЎРИ СЕНГА, СИРДАРЁ АЁЛИ

*Жисмингда оқар момолар қони,*
*Эл-юрт деганда ачийди жони,*
*Вафода ҳар ён кетгандир шони,*
*Ҳаётнинг кўрки, Сайхун аёли,*
*Авлодлар бахти, Сирнинг аёли.*

Онага, севикли ёрга, синглига — Аёл зотига бўлган муносабат ҳар қандай жамиятнинг маданий даражасини белгилайди. «Башарият тарихи шундан гувоҳлик берадики, — деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, - ўтган минглаб йиллар мобайнида ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси, даврнинг улуғлиги ва унинг маънавий мавқеи фақат аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади».

Қадим Туронзамин мардликда эркаклардан ҳам қолишмайдиган Тўмарис, Қурбон додхоҳ каби номлари афсона-ю ривоятларга жо бўлган юзлаб аёлларга бой бўлган. Аммо, аёлларга, айниқса оналар тарихига муносабат фақат узоқ ўтмишда содир бўлган тарихий воқеалар билан ўлчанмайди. Оналар маънавиятини ўрганиш қадимги момоларимизнинг кимлиги, уларнинг ҳаёти ва фаолияти қандай кечганлигини бевосита тадқиқ қилиш орқали шаклланади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Пиримқул Дўстматов (Пиримқул Дўст Муҳаммад) хайрли бир ишга қўл урди. «Мирзачўл — қадимги маданият маркази» ва «Қадимги Сирдарё аждодлари» илмий ишлари, «Сирдарё ва Александр Македонский» рисоласи ҳамда «Сирдарё халқлари тарихи» каби китоблари билан Сирдарё тарихининг янгидан-янги саҳифаларини кашф этаётган муаллиф Аёллар йили муносабати билан ўзига хос туҳфа ҳозирлади.

Тарихнинг ўқилмаган саҳифаларини очишни олий мақсад деб билган Пиримқул Дўст Муҳаммаднинг «Сирдарё аёллари ҳақида қисса» китоби ҳам Сирдарё тарихининг алоҳида бир саҳифасидир.

*Ҳар уйдаги Сир аёли*
*фақат биттадир,*
*Ўшал биргина аёлнинг*
*жони мингтадир.*
*Фарзанди — битта,*
*ёлғиздир ёхуд бир этак,*
*Юрак-бағри шу болам деб,*
*нимта-нимтадир.*
*Сенга таъзим,*
*Сирдарёнинг дилбар аёли,*
*Сендадир, сенда*
*Пиримнинг учқур хаёли.*

Аёлларга бўлган чексиз муҳаббат ва эҳтиром руҳи билан суғорилган «Сирдарё аёллари...» китобини варақлаб кўраркансиз, унда тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқиманинг, фактик материал билан афсона-ю ривоятларнинг бир-бирига қўшилган ажойиб гулдастасидан баҳраманд бўласиз. Унда эрамиздан олдинги сирдарёлик момолар жасорати ҳам, салтанат сўраган аёллару ўз ҳунармандчилиги ва чеварлиги билан тилларда достон бўлган қиз-жувонлар ҳаётидан бири-биридан қизиқарли қиссалар эшитасиз.

Пиримқул Дўст Муҳаммаднинг мазкур китоби яна шуниси билан ҳам эътиборлики, унда мустабид тузум қўйган сунъий тўсиқ ва чеклашлар туфайли кенг ўқувчилар оммасига аён бўлмаган тарихий ҳақиқатлар бўй кўрсатади. Сирдарёнинг машҳур аёллари қисматидан сўйлайди бу китоб. Айниқса, Сирдарё аёлларининг мустамлака давридаги аччиқ тақдири, йигирманчи аср жаҳолатига қурбон бўлган оналаримиз ҳаёти, чўлқуварларнинг шижоати ёрқин бўёқларда акс этганки, уларнинг ҳеч бири ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Муаллиф ҳозирги Сирдарё аёллари, қаҳрамон бўлган оналаримиз, уларнинг муносиб издошлари хусусида ҳам алоҳида-алоҳида лавҳалар битган. Ўйлаймизки, Сирдарё аёллари тарихига ва бугунги ҳаётига доир мақолалар туркуми барчамизга маънавий куч-қувват бағишлайди.

Тарих пучмоқларидан нур излаган Пиримқул Дўст Муҳаммаднинг «Сирдарё аёллари...» китобида аёллар мадҳи энг юқори пардаларда васф этилади. Чунки, аёл бундан минг йиллар муқаддам қандай меҳрибон, латофатли, нозик ва дилбар бўлса, ҳозир ҳам шундайдир. Муқаддас Қуръони каримда шундай даъват мавжуд: «Кимга яхшилиқ қилай, - деб сўраган саҳобага (Муҳаммад алайҳиссалом), - уч марта онангга, онангга, онангга деб, тўртинчи марта отангга деб айтдилар».

Пурмаъно бу ҳикматга амал қилган муаллиф ҳам насрий, ҳам шеърий сатрларда Сирдарё аёлларини мадҳ этади, уларнинг жасоратига қойил қолади, бугунги эришаётган ютуқларини тараннум қилади:

*Авлодлар лол қолар бугун*
*мадҳингни тинглаб,*
*Барчину Ширинлар сенга*
*қилади ҳавас.*
*Анвойи гуллар ҳам*
*қаршингда гўё бир хас,*
*Тўйларнинг тўри сенгадир,*
*Сайхун аёли,*
*Мақтовлар зўри сенга,*
*Сирдарё аёли.*

**Темир ҚУРБОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ҳикматлар*

## АДОЛАТ - ҲАЁТ МЕЗОНИ

Кимки турли воситачилар орқали қозилик мансабини эгаллаган бўлса, у ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Бордию ўзи ҳоҳламаса-да, уни мажбуран қози қилиб қўйилса, Аллоҳи Таоло унинг сўзларини тўғрилаб турувчи ёрдамчи бир фариштани ҳамроҳ қўяди.

***

Сизлар кимни яхши деб баҳоласаларингиз унга жаннат вожиб бўлур. Кимни ёмон деб атасаларингиз, унга дўзах вожиб бўлур. Зеро, сизлар Аллоҳи Таолонинг ердаги гувоҳларидирсизлар.

**Ҳадисдан**

Адолат ҳаёт учун нон сингари зарурдир.

**Л.БЕРНЕ**

Адолат йўқ жойда кишилар ҳаёти қадр-қимматини ушлаб турадиган ҳеч нима қолмайди.

**И.КАНТ**

Адолат барча фазилатлар ичидаги энг оддий фазилатдир.

**ЦИЦЕРОН**

Адолатпарвар одамнинг аҳлоқий хислатлари бемалол қонун ўрнини боса олади.

**МЕНАНДИР.**

Ёзилмаган айрим қонунлар ёзилган барча қонунлардан кўра ҳам мустаҳкамроқдир.

**СЕНЕКА.**

Сахий бўлиш жуда осон, қийини - адолатли бўлиш.

**В.ГЮГО**

Адолатнинг икки бош манбаи мавжуд: биринчидан, ҳеч бир кимсага зиён етказмаслик керак ва иккинчидан, жамиятга наф келтириш зарур.

### АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИДАН

* Бир кунлик адолат - юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.
* Адоват эмас - адолат енгади.
* Ишон - аммо шубҳа қил.
* Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса раҳм қилиб яхшилик ва мурувват кўрсат.
* Ҳар кимнинг қадр-қимматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак.

### ҲУСАЙН БОЙҚАРО ЎГИТЛАРИДАН

* Мақсадга етиш учун тўғри бўл, адолат билан иш тут.
* Одил маслаҳатчи беғараз бўлади, билиб қўй, бундай одамнинг баҳоси йўқ, у хато қилса уни дўстлик билан тузат.
* Яхши билан ёмонга баробар яхшилик қилма, бу эса ёмонга кўп, яхшига кам яхшилик қилиш демакдир.
* Кин ва адоват йўлини тутиб бировнинг айби учун бошқани гуноҳкор этма.
* Лутфу карам қанча ёқимли бўлмасин, қаҳру сиёсатнинг ҳам ўз ўрни бор.

### МАҚОЛЛАР

* Жаҳлинг - душманинг. Жаҳлини ютган одам икки кишини сақлаб қолади: ўзини ва ўзгани.

**Ўзбек мақоли.**

* Жаҳл бамисоли ўргатилмаган от, олиб қочади.

**Ҳинд мақоли.**

* Жаҳл билан тошни тепсанг, барибир ўзингнинг оёғинг оғрийди.

**Корейс мақоли.**

## САЛОМАТЛИК МАСКАНИ

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига асосан Чироқчи тумани марказий шифохонасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳам кўлами кенг. Жами 845 ўринга мўлжалланган бу шифо масканида 336 шифокор аҳоли соғлиғини тиклашда фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Кейинги йилларда шифохона малакали ходимлар ва замонавий тиббий ускуналар билан яхши таъминлангани боис оналар ва болалар соғлиғига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада оналар ва болалар ўлими деярли бўлмади ҳисоб. Айниқса профилактика, эмлаш, ишлари намунали йўлга қўйилди.

Қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга бўлган эътибор эвазига эса қишлоқ аҳлининг марказий шифохонага қатнашлари ҳам шарт бўлмай қолди. Чунки туманда Чорвадор, Шўрқудуқ, Мозорли, Галабек, Аннаруз каби кўплаб врачлик пунктлари, самарали фаолият юритмоқда.

Марказий шифо маскани касаба уюшма қўмитаси беморларнинг ўз саломатликларини тиклашда беминнат ёрдам қўлини чўзиб келаяпти. Қолаверса, шифохонани, етарли шароитлар билан таъминлашда кўмакдош, маслакдош бўлмоқда.

Шунинг баробарида бозор иқтисодиёти шароитида хусусий секторни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият қаратилган. 14 та хусусий дорихона, «Сано» шифо маркази фаолияти ва ҳамкорлигини шундай баҳолаш мумкин.

Марказий шифохонада ободонлаштириш ишларига ҳам катта аҳамият бериляпти. Тоза, баҳаво бу масканни кўриб кўнглингиз равшан тортади.

**Б.АЛИМАРДОНОВ.**








Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида қатор ижобий ўзгаришлар юз бермоқдаки, бу ҳол хизмат кўрсатишнинг жаҳон андозалари даражасида бўлишига кенг имкониятлар яратмоқда.

«Ўзбексавдо» тижорат ҳиссадорлик жамиятига қарашли республика савдо ишлаб чиқариш фирмасининг, янги ишга тушган «Фурқат» савдо мажмуаси ҳамда Шайхонтоҳур туманида иш бошлаган савдо мажмуаси фикримизни тасдиқлайди. Бу савдо масканлари аҳоли эҳтиёжига тўла жавоб бериши, турли-туман ассортиментларнинг мавжудлиги ҳамда юқори хизмат кўрсатиш даражаси билан харидорларга манзур бўлмоқда.

**Суратларда: 1. «Фурқат» савдо мажмуаси.**
**2. Шайхонтоҳур туманидаги савдо мажмуининг ички кўриниши.**
**3. Янги ишга тушган кафе барчага бирдек манзур бўлмоқда.**

**Ҳ.АВВАЛОВ**
**олган суратлар.**

## «БЕЛБОҒЛИ КУРАШ»: БИРИНЧИ ХАЛҚАРО МУСОБАҚА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътибор туфайли кўпгина миллий спорт турлари тобора равнақ топиб, ўз самарасини кўрсатмоқда. Қисқа муддат ичида курашимизни жаҳон аҳли эътироф этгани ҳам шундан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ва Ўзбекистон миллий кураш Федерацияси билан ҳамкорликда қадимий-миллий спортимиздан бири «Белбоғли кураш» (фарғонача кураш) бўйича биринчи халқаро турнир 16-17 декабр кунлари пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт соғломлаштириш мажмуида ўтказилади.

Ушбу халқаро турнирда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва республикамизнинг барча вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг сара паҳлавонлари уч вазн тоифасида ғолиблик учун беллашади.

— Буюк саркарда ва давлат арбоби бўлган бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасига бағишлаб мазкур кураш бўйича дастлабки халқаро турнир 1996 йилнинг август ойида Андижон вилоятида ўтказилган эди, — деди ташкилий қўмита аъзоси Абдухалил Маликов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бу галги халқаро турнирдан кўзланган мақсад дунё юзини кўрган миллий курашимиз каби энг қадимий бўлган «Белбоғли кураш»имизни ҳам ўзига хос усуллар ва янги қоидалар билан бойитган ҳолда тез орада жаҳон майдонига чиқаришдан иборат.

**«Туркистон-пресс»**

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Сунъий ширин моддалардан фақат сахарин ичимликлар тайёрлашда ишлатилади. Маҳсулотлар қанд касали бор бўлган кишилар учун ишлаб чиқарилади.

Кейинги йилларда айрим мамлакатларда, жумладан, АҚШда натрий ёки кальций цикламати деган бошқа бир кимёвий модда кенг қўлланилмоқда.

Сахарин ва шунга ўхшаш моддалар ширин таъм берса-да, лекин ҳеч қандай тўйимлик қиймати бўлмайди ва улар қанд ўрнини асло босаолмайди. Шу сабабдан кимёгарлар тўйимли ва шу билан бирга қанд касали бор кишилар саломатлигига зиён қилмайдиган махсус маҳсулот етиштириш устида изланмоқдалар.

***

Сутни ёқтирасизми ёки йўқми, қуйидагини ёдда тутинг: сут — кальцийнинг қимматли манбаи бўлиб, суяклар мўртлигини бартараф этади. Бу хавф 40 ёшдан кейин кўпчиликка соя солади, айниқса аёлларга. Кунига бир неча стакан сут бу муаммони ҳал қилади, бироқ, катта аҳолининг 2/3 қисмида лактоза ферменти йўқлиги сабабли сут организмда ҳазм бўлмайди. Бундай ҳолатларда сут-қатиқ маҳсулотлари — пишлоқ, сабзавотларни истеъмол қилишни маслаҳат берардик. Сут ичадиганларга эса ёғсизлантирилган сут ичишни маслаҳат берардик.

**Ўзбек миллий чолғу асбоблари! Бу ибора тилга олинганда халқимиз орасида кенг тарқалган ҳамда ижрочи санъаткорлар чалиб келаётган ғижжак, тор, дутор, рубоб, доира каби чолғу асбоблари кўз олдимизда намоён бўлади.**

Бугунги кунда лаборатория ходимлари мумтоз чолғу асбобларини ясаш бўйича илмий тадқиқот ишлари билан ҳам шуғулланмоқдалар. Тут ва нок дарахтлари ёғочларидан ясалган чолғу асбобларидан тараладиган куйлар айниқса завқлидир.

## ОҲАНГЛАРГА БОЙ СОЗЛАР

Бу хил созларни яратиш жараёнлари ҳам ўзига хос мураккаб кечади, албатта. Соз ясовчилар анъаналарини давом эттиришда тажриба-намуна лабораториясининг тутган ўрни катта бўлмоқда.

Чиндан ҳам Тошкент Давлат консерваторияси ҳузурида фаолият кўрсатаётган мазкур илмий-амалий тажриба-намуна лабораторияси ўзбек халқ чолғу асбобларини такомиллаштириш йўлида хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Лаборатория соз устаси А.Жумабоев эса тут дарахтидан скрипка ясаш усулини яратди. Яқинда олий мусиқа мактабида уюштирилган скрипка мусиқа кечасида янгича ясалган созлардан фойдаланилди.

Шу концертда янгилик ўзини тўла оқлади. Бу хил скрипкалар соз чалувчиларга анча қулай бўлиб, улардан тараладиган оҳанглар жуда тиниқ ва жозибали эшитилади.

*Қонун барча учун баробар*

## АЙБДОР ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Республикамиз Президентининг Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасида чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони асосида жамоаларда ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Аммо қатор корхона ва ташкилот раҳбарлари Фармон талабларини бажармай, ташкилотни ҳам, ўзларини ҳам қийин аҳволга солиб қўяётирлар.

Ғузор туманидаги «Нур истиқлол» тижорат ишлаб чиқариш фирмаси олдиндан 15 фоизлик тўловни амалга оширмасдан мижозларга 1389,9 минг сўмлик маҳсулот жўнатган, хизматлар кўрсатган. Кўрсатилган муддат ўтиши натижасида катта миқдорда дебиторлик қарзи вужудга келган. Айни шу сабабдан ҳам корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси 28 минг сўм маъмурий жаримага тортилди.

Биргина ўтган учинчи чоракда ўтказилган 508 текширишнинг 109 тасида юқоридаги фармонга риоя қилмаслик ҳолатлари аниқланди. 135 корхона раҳбари ва бош ҳисобчисидан 1681,2 минг сўм жарима ундирилди. Беш корхонанинг мансабдор шахслари устидан тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чора кўриш учун юборилди.

## «КОСА ТАГИДА НИМКОСА»

Қамаши туманидаги «Одил» хусусий фирмаси Шаҳрисабз шароб-арoқ ҳиссадорлик жамиятидан икки ой мобайнида 2532390 сўмлик маҳсулот олган. Банк муассасаларига эса шу муддат ичида бор-йўғи 20 минг сўм нақд пул топширган. Бундан ташқари, кирим қилинган 2084453 сўмлик алкоголли маҳсулотлар Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги «Турон» тайёрлов фирмасига улгуржи нархда сотиб юборилган. Ундан олинган 104222 сўм даромад молиявий жаримаси билан икки баробар қилиб давлат ҳисобига ундирилди. Фирма бошлиғига нисбатан эса 8750 сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилди.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Фирма раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 26 мартдаги «Вино-арoқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана нархда сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қароридан хабарсиз эдиларми? Йўқ, ҳужжат талаблари уларга маълум эди. Лекин «Коса тагида нимкоса» уларни қонун-қоидаларни бузишга ундаган бўлса ажаб эмас.

Вилоят солиқ бошқармаси ва унинг қуйи ташкилотлари назорат қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказган 132 та текширишда алкоголли ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний сотиш ҳолатлари аниқланди. Қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйган 80 фуқародан 249,5 минг сўм жарима ундирилди.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.30

Буюртма Г— 1007.

123456